Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: VZ8044601070

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma

**2. Loyihaning qisqacha mazmuni:**

Siqilgan tabiiy gaz yetkazib berish to'g'risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va xujjat sanasi haqidagi ma'lumot:** Loyixa Urganch tuman Irrigatsiya bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va WK84138278-sonli hujjat raqmi bilan 17.01.2022-yilda tizimga kiritilgan.

O'zbekiston Respublikasi 1998-yil 29-avgustda qabul qilingan «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risidagi»gi Qonuni va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi talablari asosida shuningdek, o'zaro hisob-kitob qilish tomonlarning ma'suliyati, javobgarligi hamda nizolarning hal qilish tartibi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Urganch tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **M.Karimov**

18.01.2022-yil

# ШАРТНОМА № 10

(Сиқилган табиий газ етказиб бериш тўғрисида)

«17» январ 2022 йил Урганч шаҳри

**«MEGA AQUARIUS» масъулияти чекланган жамияти** *(кейинги бандларда «Газ тўлдирувчи»)* номидан корхона Уставига асосан иш юритувчи раҳбари **С. Нуримов** бир томондан ва **Урганч туман Ирригация бўлими** *(кейинги бандларда «Истеъмолчи»)* номидан, муассаса Низом га асосан иш юритувчи раҳбари М. Рўзметов иккинчи томондан ушбу шартномани туздилар:

### *1. Шартнома мазмуни*

1.1. **«Газ тўлдирувчи» «Истеъмолчи»**нинг автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тўлдиришни, **«Истеъмолчи»** эса сиқилган табиий газ учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни ўз зиммасига оладилар.
1.2. **«Газ тўлдирувчи» «Истеъмолчи»**га 2022 йил давомида 2366 м3 сиқилган табиий газ етказиб беради.
1.3. **«Истеъмолчи»** автотранспорти сиқилган табиий газ билан тўлдирилган кун газ тўлдирилган сана ҳисобланади.

### *2. Ҳисоб-китоб тартиби*

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 6388200 (Олти миллион уч юз саксон саккиз минг икки юз) сўм
2.2. Сиқилган табиий газнинг **1 $м^3$ баҳоси қўшилган қиймат солиғи(ҚҚС) билан биргаликда 2700,0 (Икки минг етти юз) сўмни ташкил килади.**
2.3. Сиқилган табиий газнинг 1 $м^3$ учун баҳоси хом-ашёлар, моддий бойликлар, ёқилғи-энергетика ресурслар баҳоси ўзгарганда ва Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, карорлари ва норматив актларига асосан ўзгариши мумкин.
2.4. **«Истеъмолчи»** автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тўлдириш **«Газ тўлдирувчи»**нинг банкдаги ҳисоб рақамига 30% тўлов ўтказилгандан кейин, белгиланган шаклдаги тарқатма жадвал (раздаточная ведомость) бўйича амалга оширилади. Тарқатма жадвал учун тўлов алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

### *3. Томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари*

3.1. **«Истеъмолчи»** ГБУ (газ баллонли ускуна) билан жиҳозланган автотранспортининг техник холати ва техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, санитария ва экология хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.
3.2. **«Истеъмолчи»** нинг мажбуриятлари:

а) ГБУ ўрнатилган автотранспортни ва сиқилган табиий газдан фойдаланиш тўғрисидаги амалдаги тартиблар, техник холатлар, кўрсатмалар ва қарорларини бажариш;

б) ГБУни ва автотранспортларини техник соз холатда сақлаш;

в) Йўл варақасида автотранспортнинг техник созлиги ҳақида белги қўйиш, баллонлар сони ва геометрик хажми тўғрисида маълумотларни кўрсатиш;

г) Автотранспортни сиқилган табиий газ билан тўлдириш учун белгиланган тартибда рухсатнома олиш;

д) Баллонларнинг умумий сони ва геометрик хажми (+,-) 0,5 аниқликда автотранспорт техпаспортида (махсус вкладышь) ёзиб қўйиш.

3.3. **«Газ тўлдирувчи»** ва **«Истеъмолчи»** сиқилган табиий газ билан таъминлаш ва қабул килишни ой давомида бир маромда, бир кунлик ўртача газ хажми микдорида амалга оширадилар.
**«Истеъмолчи»** сиқилган табиий газни қабул қилиш бўйича барча ўзгаришлар тўғрисида **«Газ тўлдирувчи»**ни олдиндан 15 кундан кечиктирмай ёзма равишда ёки телефонограмма оркали огоҳлантириши шарт.
**«Газ тўлдирувчи»** АГНКСда жорий ва капитал таъмир ишлари бошланган тақдирда **«Истеъмолчи»**ни 3 кун олдин, ишга тушишидан 3 кун олдин огохлантиради.
3.4. **«Газ тўлдирувчи»**нинг мажбуриятлари;

а) Газ ускуналаридан тўғри фойдаланишни, автотранспортлардаги назорат-ўлчов асбобларини ва газни очиш-ёпиш арматуралари созлигини текширади.

б) **«Истеъмолчи»** («Истеъмолчи» вакили) томонидан белгиланган қоидалар, газ тўлдириш регламенти, мазкур шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда автотранспортга сиқилиган газ тўлдиришни тўхтади.

### *4. Сиқилган газ ҳисоб-китоби тартиби*

4.1. **«Газ тўлдирувчи»** томонидан **«Истеъмолчи»** автотранспорти тўлдирилган сиқилган табиий газ хажми **«Газ тўлдирувчи»**нинг ўлчов асбоблари оркали аникланади.

### *5. Томонларнинг жавобгарлиги*

5.1. Сиқилган табиий газни қабул қилиш мазкур шартномада кўрсатилган хажмдан ошган тақдирда шартномага қўшимча келишув тузилади.
5.2. Томонлар мазкур шартномада белгиланган шартларни бажармаган такдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.
5.3. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддатида вужудга келадиган келишмовчиликларни “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Иқтисодий Процессуал Кодекси ва бошқа норматив хужжатларга мувофиқ равишда тартибга солиниб борилади.

### *6. Форс мажор*

6.1. «Газ тўлдирувчи» ва «Истеъмолчи» қуйидаги холатларда газ тўлдириш ва қабул килиш хажмини камайтирганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди:

а) Газ қазиб чикариш конларида, магистрал газ кувурларида, шаҳар, туман газ тармоқларида, электр тармокларида кутилмаган авария холатлари содир бўлганда;

б) Магистрал газ кувурларида, шаҳар, туман газ тармоқларида, электр тармокларида навбатдаги жорий ва капитал таъмир ишлари, синовлар ўтказилганда ва пайвандлаш ишлари даврида.

### *7. Шартнома муддати*

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома икки нусхада – ҳар бир томон учун биттадан тузилиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

7.3. Мазкур шартнома бўйича низолар иқтисодий судда, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳал килинади.

### *8. Томонлар юридик манзиллари ва реквизитлари*

| «Газ тўлдирувчи» «MEGA AQUARIUS» масъулияти чекланган жамияти |
|---|
| *Манзил:* Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хонка кўчаси, 168-уй |
| *Телефон:* (+99862) 225-88-88 |
| *Ҳ/р:* 2020 8000 8044 5812 7001 |
| *Банк:* Хамкорбанк АТБ Хоразм минтақ. фил. |
| *МФО:* 01161 |
| *ИНН:* 205983525 |
| *ОКЭД:* 35210 |
| *Раҳбар:* С. Нуримов |

| «Истеъмолчи» |
|---|
| Урганч т. ирригация бўлими |
| *Манзил:* Мустақиллик 8-уй |
| *Телефон:* шхр 100022860339217704240217000 1 |
| *Ҳ/р:* инн: 205080049 |
| *Банк:* [illegible] 00014 |
| *МФО:* Молия вазирлиги ғазнаси |
| *ИНН:* 23402000300100001010 |
| *ОКЭД:* 201122919. |
| *Раҳбар:* М. Рўзметов. |